2




3

АНДИЖОН ФАРЗАНДЛАРИ

## ҚАҲРАМОННИНГ ҚАҲРАМОН ЎҒЛИ

4

## БЎЛИМДАГИ КАМЧИЛИК БАРТАРАФ ЭТИЛДИ. ҚОЛГАНЛАРИДА-ЧИ?

ВАҚТДАН ОРТДА ҚОЛГАНЛАР




BIZDAN OZOD VA OBOD VATAN QOLSIN!



# ANDIJONNOMA

Gazeta 1921-yil 30-maydan chiqa boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy gazeta ■ www.auz.uz ■ № 21 (19740) ■ 2020-yil 7-mart ■ Shanba ■ ISSN 2010-5622

*Андижон вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

### С.Н. Мамитова тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102-моддаси ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Мамитова Садбархон Неъматжоновна Бўстон тумани ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.

2. Ушбу қарор халқ депутатлари Бўстон тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

**Вилоят ҳокими** **Ш. Абдурахманов**

Андижон шаҳри
2020 йил, 4 март.

*Андижон вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

### И. С. Мамадалиев тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102-моддаси ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Мамадалиев Иномжон Соликонович бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Бўстон тумани ҳокими лавозимидан озод этилсин.

2. Ушбу қарор халқ депутатлари Бўстон тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

**Вилоят ҳокими** **Ш. Абдурахманов**

Андижон шаҳри,
2020 йил, 4 март.

*Андижон вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

### И. С. Мамадалиев тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102-моддаси ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Мамадалиев Иномжон Соликонович Асака тумани ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.

2. Ушбу қарор халқ депутатлари Асака тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

**Вилоят ҳокими** **Ш. Абдурахманов**

*Андижон вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

### Э. А. Якубов тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102-моддаси ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Якубов Эркинжон Абдуллаевич Асака тумани ҳокими лавозимидан озод этилсин.

2. Ушбу қарор халқ депутатлари Асака тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

**Вилоят ҳокими** **Ш. Абдурахманов**

## *Байрамингиз муборак бўлсин, азиз онажонлар, муҳтарама опа-сингиллар!*

ИННОВАЦИЯ



## ҒОЛИБЛАР САФИДА БЕШ НАФАР ... БОР



# ҒОЛИБЛАР САФИДА БЕШ НАФАР ИХТИРОЧИ АЁЛЛАРИМИЗ БОР

***Баҳорнинг илк кунларида пойтахтда ўтказилган анъанавий "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" республика танловида андижонлик 5 нафар ихтирочи хотин-қизнинг ишланмалари юқори баҳоланиб, улар ғолиблар қаторидан ўрин олдилар.***

Инновацион ғоялар, лойиҳа ва ишланмаларни жорий этишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фан-таълим ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг амалга ошираётган лойиҳалари самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган танловда ихтирочиларнинг изланишлари атрофлича ўрганилди. Вилоят босқичида иштирокчилар сони 200 нафардан ортгани хотин-қизлар орасида ташаббускорлар сафи кенгайиб бораётганини кўрсатди.

– Техник йўналишда иш олиб бораётган ёш иқтидор эгалари борлиги бизни қувонтирди, – деди "Ихтирочи аёллар" уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Маҳфузахон Юсупова. – Андижон машинасозлик институти изланувчиси Зарнигор Соҳибованинг "Термоэлектрик материал ва уни тайёрлаш усули" мавзусидаги лойиҳаси кўпчиликда қизиқиш уйғотди. У ҳар қандай иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи ярим ўтказгич материал яратмоқда. Мақсад – қуёш ёруғлиги билан бир вақтда иссиғлигидан ҳам фойдаланиш.

Зарнигорнинг таклифи ҳакамлар томонидан юқори баҳоланиб, "Энг яхши саноат намунаси" муаллифи сифатида ғолиб деб топилди. Шунингдек, Дилфузахон Каримова "Энг яхши модель", Севинч Содиқова "Энг яхши ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаси", Маъмура Отабоева "Энг яхши рационализаторлик таклифи" ва Ҳурматхон Хонкелдиева "АКТ соҳаси бўйича энг яхши инновацион лойиҳа" муаллифлари деб топилдилар.

**Акбаржон НАЗАРОВ.**

*Суратда: танлов ғолиблари.*




# ЯНГИ ЛОЙИҲА ЭГАСИ

Умумий бюджети 798 минг 695 еврони ташкил этган ва уч йилга мўлжалланган "Ўзбекистонда "Мехатроника ва робототехника" бакалавриат таълим йўналишини инновацион ғоялар ва рақамли технологиялар асосида модернизация қилиш" лойиҳасига Андижонда старт берилди.

Халқаро Гелленик Университети (Греция), Жанубий-Шарқий Европа давлатлари илмий тадқиқот маркази, Вильнюс техника университети, Лиапежа университети, Видзема амалий фанлар университети ва Виадо-Кастело политехника институти каби Европанинг кўзга кўринган илмий марказлари ва олий таълим муассасалари иштирок этаётган ушбу лойиҳанинг миллий координатори Андижон машинасозлик институти экани эътиборга моликдир. Бундан ташқари, республикамизнинг 6 та олий таълим муассасаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳам унинг иштирокчилари саналади. Лойиҳанинг мақсади Европа ОТМ ютуқлари асосида ишлаб чиқариш ва таълим интеграциясининг янги ҳамкорлик шаклини яратиш ва амалга жорий этишдан иборат.

Институт жамоаси лойиҳа доирасида мавжуд ўқув дастури, ўқув материаллар ва дастурий таъминотларни модернизация қилиш, Европа тажрибаси асосида ўқитувчилар малакасини ошириш, инновацион ўқув лабораторияларини ташкил этиш, мехатроника жамиятини ташкил этиш, янги ўқув дастур ва материалларни аккредитациядан ўтказиш, ўқув режа ва дастурларини модернизация қилиш бўйича амалий ишга киришди. Ўқитувчилар таълим муҳити дизайнерлари сифатида машғулотларни янги технологиялар ёрдамида ўтказа бошлашди.

**Хайрулло ВАСИЕВ,**
институт матбуот хизмати ходими.

# РАҲБАРЛАР 20 ТУПДАН КЎЧАТ ЭКИШАДИ



Избоскан туманида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини янада кенг қулоч ёйдириш ҳаракати бошланди. Барча корхона, ташкилот, муассасаларнинг раҳбарлари жорий 2020 йилга рамзий ёндашиб, ҳар бири 20 тупдан манзарали ва мевали кўчат ўтказишга келишиб олишди.

Шу муносабат билан 15 мартгача кўчат экиш акцияси эълон қилинди. Манзарали ва мевали кўчатлар ташкилот ва муассасаларга тарқатилмоқда.

**М. РУСТАМОВ.**